



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 16-dekabr • Payshanba • 147 (31.267) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

«АВВАЛО, ТАШҚИ ХАВФДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ»

■ Хабарингиз бор, 10 декабрь куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари ҳам иштирок этиб нутқ сўзлади, ташкилот фаолиятига доир ўз фикрларини билдирди. Президентимизнинг нутқи халқаро сиёсатчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Фикрат САДИХОВ,

«Trend» экспертлар кенгаши аъзоси, Озарбойжон.

— Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти биринчи навбатда аъзо давлатларни ташқи хавфдан ҳимоя қила олиши керак. Ўзбекистоннинг бу борада туганган позицияси ҳар томонлама эътирофга лойиқ. Нотинчлик юзага келган ҳолларда аъзо мамлакатларнинг ички ишига ОДКБнинг аралашуви муаммонинг янада чуқурлашиб кетиши, қолаверса, айрим давлатлар бу ташкилотдан урқалтақ ўрни-

да фойдаланишига имкон яратди. Ислоҳ Каримовнинг Тоғли Қорабоғда йигирма йилдан буён давом этаётган можарога ургу бериб ўтиши ОДКБ ҳудудий ва этник тортишувларга қурол кўтариб киришини эмас, балки айрим зўравон давлатлар манфаати ётган сценарийлар ташкилотчиларини олдиндан кўра билиши лозимлигини яна бир бор кун тартибига қўйди.

Махатма БХАДРАКУМАР,

Халқаро сиёсатчи-эксперт, Ҳиндистон.

— Ўзбекистон Президенти хавфсизлик кенгашида чуқур ўйланган ва мантқан асосланган фикрлар билдирди, бундан кенгашга аъзо мамлакатлар тегишли хулоса чиқариши керак. Жўрофий-сиёсий манфаатлар ўйини тобора кўнайиб бораётган ҳозирги пайтда миллатлараро низои авж олдириш, ҳудудий можароларга ноўрин аралашуш тобора кўпаймоқда. Шу маънода, ОДКБ ҳарбий блок қиёфасини касб этмаслиги керак. Бу ҳол Ҳамдўстлик мам-

лакатлари суверенитетига соя солади. Ислоҳ Каримов ОДКБга аъзо давлатлар ичида «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» юзага келган тақдирда унга ташкилотнинг аралашуви ёхуд таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик ҳақида билдирган фикр халқаро сиёсатчилар орасида қизгин баҳсга сабаб бўлди. Ўзбекистон Президенти узқни кўлаб айтган бу мулоҳаза ОДКБнинг ҳарбий таъсир воситасига айланишини чеклайди.

Брендон КРЕЙГ,

Сиёсий шарҳловчи, Англия.

— Ўзбекистон ўз ҳудудидан ташқарида тинчлик ўрнатилган операцияларида иштирок этмаслигини билдириш, минтақадаги энг кучли ва барқарор мамлакат сифатидаги обрўсини яна бир бор оширди.

НАТнинг муқобилига айланишга уринаётган ОДКБ ташкил топгандан буён МДХ доирасида ҳудудий ё этник бирон-бир можарода ижобий натижага эришган, деб айтиш қийин. Бундай вазиятда Теъзор ҳаракатланувчи коллектив кучларни ташкил қилишдан кўра фақулдада вазиятнинг келтириб чиқарган омилни ўрганиш ва унга қарши курашуви муваффақият гурӯҳини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Владимир ПОПОВ,

Миллатлараро муммоларни ўрганувчи эксперт, Россия.

— ОДКБдаги коалицион кучларнинг МДХда йиллар давомида «музлаб» ётган ҳудудий ва этник муаммоларни ҳал қилиш учун аралашуви можаронинг жиловлаб бўлмайдиган миқёсда кенгайиб кетишига олиб келади. Ўзбекистон Президентининг бу муаммо бўйича қатъий позицияси ташкилотнинг масаласига бир томонлама ёндашувини чеклайди.

Кўпчилик ташкилотни инқироз ҳолатида деб баҳоламоқда. Айнан кўптомонлама ёндашуви ва ўзаро фикрларни ҳурмат қилиш муҳити уни бу вазиятдан олиб чиқиши мумкин. МДХдаги ҳудудий муаммоларга ОДКБнинг ҳарбий аралашуви эмас, балки муросанинг бошқа йўлларини излаб топиш фойдалидир.

Эмма ОЛЬСКИЦ,

Сиёсий шарҳловчи, Польша.

— 10-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг жанубида юз берган хунрезликларга жавобан Ўзбекистон томони босиқлик кўрсатгани, қўшни давлатнинг ички ишига аралашмасдан, бошқача айтганда, шошма-шошарлик билан қирғиз ҳудудига бостириб қирмай, қочоқларни бағрига олиши, ўз вақтида гамжўрлик қилиши расийи Тошкентнинг фақулдада оғир вазиятда кўрсатган жасорати, деб қабул қилиниши лозим. Бу, ўз навба-

тида, мушқул муаммонинг чуқур илдиз отиши ва юз минглаб беғуноҳ одамлар қурбон бўлишининг олдини олди. ОДКБ минтақавий муаммоларни ҳал этиш борасида бу фактдан ўрнатилган арийдир.

Президент Ислоҳ Каримовнинг ОДКБ саммитида билдирган фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қирғиз ҳукумати энди ташқи аралашува куз тикмай ички сиёсий барқарорликка эришиши керак.

Жулиет САЙДИН,

«Die Welt» мухбири, Германия.

— Ҳар қандай мамлакатда ички зўравонлик муайян сценарий асосида, ташқи аралашуви ва молиялаш туфайли юзага келиши мумкин. Шу боис, бу ҳақда бир тўхтамага келишдан олдин нотинчликларнинг буюртмачи ва ташкилотчиларини аниқлаш зарур. Яъни, МДХнинг турли нукталарида давом этаётган этник-ҳудудий тўқнашувлардан керакли хулоса чиқариш лозим.

Шу маънода, Ислоҳ Каримовнинг ОДКБ саммитида айтган фикрлари диққатга сазовордир. У Ўзбекистон ташкилотнинг теъзор ҳаракатланувчи коллектив кучлари (КСОР) ҳарбий-полиция ОДКБнинг назорат воситасига айланишига қарши эканини очик айтиб, тинчликпарвар позициясини тўлиқ намоён этди.

Арам ДАСАРЯН,

Сиёсий фанлар доктори, Арманистон.

— Ўзбекистон Президенти билдирган фикрлар ОДКБ тор доирадаги жўрофий-сиёсий манфаатни ифода этувчи муайян ташкилот эмас, балки унга аъзо давлатларни ташқи хавфдан ҳимоя қила оладиган ҳақиқий ҳамкор сифатида тақомиллаштириш лозимлигини кун тартибига қўйди. Ҳақиқатда ҳам, Ҳамдўстлик мамлакатлари интеграциясига йўл очилиши лозим бўлган

бир ташкилот сифатида ОДКБ аъзо давлатларнинг, аввало, суверенитетини ҳурмат қилиши ва ички ишига аралашувдан тийилиши лозим.

МДХдаги турли қуролли можароларга ташкилотнинг шошма-шошарлик билан аралашуви аянчли оқибатлар келтириб чиқариши турган гап.

Интернет манбалари асосида
Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

Фракция фаолияти



Касаначилик

асосидаги меҳнатнинг ҳуқуқий асослари тақомиллашади

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» ҳақидаги масала парламент эшитуви тартибиде қўриб чиқилди.

Мавзу юзасидан Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимўхамедов ҳамда Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Рустам Шоабдурахмоновнинг ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ка-

саначилик меҳнатини рағбатлантириш, иш берувчи ва касаначилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очгани алоҳида қайд этилди.

Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва оила бюджети даромадлари кўпайишига хизмат қилади. Маҳсулотни оилавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини касаначиларга топшириш корхоналарга ҳам қулайлик яратади.

Шу мақсадда амалга оширилган ишлар натижасида 2006-2009 йилларда касаначилик асосида 341 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Хусусан, 2009 йили меҳнат шарт-

номасига асосланган 77466 та касаначилик иш ўрни ташкил этилди. 2010 йили фуқароларни уй меҳнатининг турли соҳаларига жалб қилиш 208 минг нафардан ортиқ кўп болали аёллар, ногиронлар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларни иш билан таъминлаш имконини берди. 2011 йилда мамлакатимизда жами 950 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлса, шунинг 216200 таси айнан касаначилик асосида яратилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш масаласи алоҳида ўрин олган.

Шу муносабат билан фракция аъзолари «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ишламоқда. Йиғилишда қонуннинг концепцияси, лойиҳанинг асосий тамойиллари муҳокама этилди.

Фракция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Беход ШУКУРОВ

«АДОЛАТ» УЙҚУСИРАЯПТИМИ ЁКИ ТУШ КЎРАЯПТИМИ?

Социал-демократик партия нашрида эълон қилинган «Ўнглам ҳам, сўллар ҳам маҳаллани унутдиларми?» сарлавҳали мақолани ўқиган кишида беихтиёр шундай савол тугилади

УЧРАШУВЛАР ЖОНЛИ ЎТДИ

фикр-мулоҳазаларга бой бўлди

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари аҳоли вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди. Учрашувларда партиямиз маҳаллий ташкилотлари масъуллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам иштирок этди.

Хорижда

ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ

151 та банк
ёпилди

→ 3

Қишлоқларимиз тарихи

ЛОЛАЛАР ЮРТИ

ёки Буюк ипак
йўлидаги қадимий
кент ҳақида

→ 4

Эътироф

Бизнингча, ОДКБ олдида турган энг асосий вазифа — аъзо мамлакатларнинг ҳудудий дахлсизлигини таъминлашдан иборат. Яъни, тинчликни сақлашда умумий бирлик.

Мабодо, ташкилот этник ва бошқа қуролли можароларга аралашгудек бўлса, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий муносабат бўзилади.

Бундай ҳолатда ташкилот нотинчлик келтириб чиқарувчи манбага айланади.

Ўзбекистон Президенти бу ташкилотнинг айрим шартларига доир билдирган фикрларда нафақат унга аъзо мамлакатлар раҳбарлари, балки бутун МДХ сиёсий жамоатчилиги қайғуриши лозим бўлган муаммолар ўз ифодасини топди.

Алексей ВЛАСОВ,
«Trend» экспертлар кенгаши аъзоси, Россия.

ОБ-ҲАВО 16-17.12. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 9°C	☀ 11°C
Самарқанд	☀ 8°C	☀ 13°C
Нукус	☀ 5°C	☀ 10°C
Қарши	☀ 10°C	☀ 15°C
Урганч	☀ 5°C	☀ 10°C
Навоий	☀ 8°C	☀ 13°C
Фарғона	☀ 8°C	☀ 13°C
Бухоро	☀ 8°C	☀ 13°C
Андижон	☀ 8°C	☀ 13°C
Наманган	☀ 8°C	☀ 13°C
Термиз	☀ 10°C	☀ 15°C
Жиззах	☀ 8°C	☀ 13°C
Гулистон	☀ 8°C	☀ 13°C
Тошкент вил.	☀ 8°C	☀ 13°C

Лондон	☁ 2°C	☁ 1°C
Париж	☁ -2°C	☁ -1°C
Москва	☁ -7°C	☁ -7°C
Мадрид	☁ -4°C	☁ -3°C
Пекин	☀ 2°C	☀ 1°C
Гонконг	☀ 8°C	☀ 7°C
Рим	☀ 4°C	☀ 4°C
Анкара	☀ 7°C	☀ 6°C
Токио	☀ 6°C	☀ 4°C
Стокгольм	☁ -8°C	☁ -10°C
Кейптаун	☀ 10°C	☀ 9°C
Қоҳира	☀ 9°C	☀ 10°C
Гавана	☀ 11°C	☀ 10°C
Вашингтон	☁ -1°C	☁ -4°C

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Муносабат

«Адолат» уйқусираяптими ёки туш кўраяптими?**Социал-демократик партия нашрида эълон қилинган «Ўнглр ҳам, сўллар ҳам маҳаллани унутдиларми?» сарлавҳали мақолани ўқиган кишида беихтиёр шундай савол тугилади**

■ Қуруқ гап билан танқид қилиш осон. Аммо масъулятни ҳис қилган киши учун танқид жиддий масала. Шундай экан, «Адолат» газетасида чиқаётган айрим мақолалар муаллифлари, партия фаоллари бирон-бир фикр айтишдан олдин: «Шу гапларга биз ўзимиз ишонамизми, айтётганларимиз мантиққа зид эмасми?» — деган саволларни ўзларига бериб кўришса, яхши бўлар эди.

Аввало, 2009 йил сайлови олдинда ёки ундан кейин мамлакатимизда бирон-бир сиёсий партия ўзини ўнг ёки сўл деб эълон қилганини таъкидламоқчимиз. Демак, ўнг ва сўл масаласи алоҳида мавзу. Хозир бунга тўхталмоқчи эмасмиз.

Мақолада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши маҳаллалар билан ишламаётгани, уларга ёрдам бермаётгани зўр бериб таъкидланади. 2009 йилги сайловлар арафасида маҳаллаларни сиёсий майдонга айлантиришга уринган Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги айрим депутатлари жамоатчилик назорати туғул сайловчилар билан учрашув ўтказмагани айтилади.

ЎзЛиДеПни билмадигу аммо Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳеч қачон маҳаллаларни сиёсий майдонга айлантиришга ҳаракат қилмаган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан олиб бораётган ҳамкорликнинг фақат электорат манфаатини кўзлаб, депутатлик назорати ҳуқуқидан маъсуллик билан фойдаланмоқда. Бунга қўллаб-қувватлаш имконияти мумкин. «Адолат»чиларнинг мутлақо асосиз айтган фикрлари улар бошқа партиялар фаолиятидан беҳабар эканидан далолат беради.

Мақоладан кичибас келтирамиз. «Сирғали туманидаги «Хабибий» маҳалласи фаоли, «Хумо Барака» уй-ҳўв мулкдорлари ширкати раҳбари Абдурашид Примовнинг мана бу фикрларига эътибор беринг:

— Ширкат раиси сифатида иш бошлаганимга 6 ой бўлди. Худудда ўзига хос муаммолар ҳам учрайди. Сайлов арафасида номзодлар «қоп-қоп» ваъдалар берган эди. Бироқ сайловлар ўтганидан кейин бир йил ўтибди ҳамки, на депутат Кудратилла Зикоров жаноблари ва на унинг ишончли вакиллари учратмади.

Дарҳақиқат, 27-Дўстлик сайлов округидан ким ва қайси партия вакили сайлангани тўғрисидаги саволларимизга маҳалла фуқароларининг кўпчилиги ёлқа чиқди.

Анчиқ бўлса-да, бу ҳақиқат шаҳар кенгашида 18 нафар депутатга эга бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳи аъзоларига кўпроқ тегишлидир.

«Адолатчилар шундай деб ЎзХДПни айбламоқда. Бу социал-демократик партия ҳақиқатан ҳам уйқусираб юрганини яна бир бор тасдиқлайди. Акс ҳолда, улар депутат Кудратилла Зикоровнинг ЎзХДПга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, у ЎзЛиДеП вакили эканини билган бўлар эди. Мақолада халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида бўлган жараёнлар ҳақида ҳам нотўғри маълумот берилди. Сессияда сўзга чиққан ЎзХДП Тошкент шаҳар кен-

гаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов маҳалла фуқаролар йиғинларидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича партиянинг амалий дастурини тақдим эта олмади, шаҳар ҳокимининг маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш ва иш самарадорлигини ошириш борасида ХДП дастури ҳақидаги саволига сукут сақлаб жавоб қилди, дейилади.

Келинг, Учқун Шойимқуловнинг ўша сессияда сўзлаган гапини келтирайлик. «Сиёсий партиялар ҳам маҳаллалар билан доимий иш олиб боришлари, жойлардаги мавжуд муаммолар ечимини биргаликда иштираётган эдиларми, деди у. — Зеро, бирдамликда ишламаслик олдимизга қўйган мақсадларимизга етишга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Партияимиздан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган 18 нафар депутат ўз округлари бўйича жами 131 та маҳаллани қамаб олган. Айни пайтда ҳар бир депутат маҳаллаларда ўз қабулларини ташкил этиб, аҳоли билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шунингдек, сайловчилар билан учрашувларда депутатларимиз юртимизда амалга ошириладиган тўб ўзгаришлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиб, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини ошириш, рўй бераётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарияти ўз ечимини топган бўлиб, айримлари юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиниб, масала ижобий ҳал этилмоқда. Утган ўн ой давомида жами бўлиб депутатларимиз томонидан ечимини мураккаб масалалар бўйича 118 марта сўров юборилди. Айтмоқчиманки, Тошкент шаҳрида мавжуд 474 та маҳалланинг барчаси бевосита шаҳар Кенгаши депутатларининг округлари ҳудудида қиради. Шундай экан, биз — барча депутатлар маҳаллаларда ҳамкорликда фаол иш олиб боришимиз ўта муҳим.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги Қонуunning ижроси юзасидан депутатлик назоратини куचाйтиришимиз керак ва бу ҳақда доимий комиссиялар, сессиялар муҳокама сиёсий унун ташкиллар киритиб боришимиз муҳим деб ҳисоблайман».

Депутат сифатида Учқун Шойимқулов сессияда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганидан бошқа депутатлар ҳам хабардор. Аммо «адолатчилар» бу пайтда уқлаб ўтираётганми? Шаҳар ҳокими унга савол бергани йўқ. Аммо «Депутат Шойимқуловга саволлар борми?» деб сўраган. Лекин ҳеч ким савол бермади. Нега «Адолат» партиясининг депутатлар залда ҳар доимгидек мум тишлаб ўтиришиди? Нега сўз сўраб, минбарга чиқимасди?

Маҳаллалар билан ҳамкорлик масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашида бу борада жуда яхши тажриба тўпланган. Масалан, доимий равишда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан

ҳамкорликда «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маскани» мавзусида давра суҳбатлари, семинарлар ва семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирлар яқинда Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номи, Собир Раҳимов туманидаги «Ахил», Бектемир туманининг «Истикбол», Мирзо Улуғбек туманининг «Дархон» ва яна қўллаб-қувватлаш ўтказилди. Бу тадбирлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партияимиздан сайланган депутатлар, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вакиллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик маъсул ходимлари, бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари масаланинг турли жиҳатлари ҳақида баҳс-мунозара юритдилар.

Тадбирларда маҳаллада ижтимоий масалаларни ҳал этиш йўллари, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини таъминлашда маҳалла раисининг масъулияти ва вазифалари, мақсадли нафақалар таъминоти, аҳоли бандлиги ва ёшларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллалар фаоллари ижтимоий ҳимоянинг аниқ манзилли таъминлаш, соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларини виждонан сарфлашга жиддий эътибор қаратиши зарурлиги айтилди.

Мазкур тадбирлар билан бирга кўнча жамоатчилик қабуллари ҳам ўтказилди. Тўғри, бир вақтнинг ўзида шаҳардаги барча маҳаллани қамаб олганининг илоҳий йўқ. Аммо энг муҳими — ЎзХДП ҳаракатда.

Шу ўринда маълумот учун айтиб ўтмоқчимиз. Партияимизнинг Сайловолди дастурида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Партияимиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, таърифларнинг асосий ўсишига йўл қўймаслик, соҳага оид муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Соҳага замонавий технологияларни олиб кириш ва бу орқали орткича сарф-харажатларни камайитириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш технологияларини жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда бу масала сессия муҳокамага олиб чиқилганга таяёр.

Мазкур доимий комиссия кунини кеча ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан коммунал хўжаликка оид бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Бундан ташқари, партия фаоллари Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов, Чилонзор ва Юнусобод туманларида муқобил ва тикла-

надиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисоби-га аҳолини иссиқ сув ва марказлаштирилган иситиш тизими билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширди. Бу масала юзасидан ҳам тақлифлар тайёрланмоқда.

Хўш, «Адолат» партиясининг ўзи нима банд?

Шу вақтда қадар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 6 та сессияси ўтказилди.

Уларда бу партия вакиллари на бирор марта ўз ташаббуси билан сўзга чиқди, на бирор масала ни кўтарди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сотиболди Бобоқуловнинг таъкидлашича, ўтган қарий бир йил мобайнида «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан доимий комиссия муҳокама сиёсий унун бир-бир масала тақлиф этилмаган. Маълумотларга қараганда, «Адолат» партияси депутатлик гуруҳининг раҳбари бошчилик қилаётган Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия муҳокамага ҳам «Адолат»нинг депутатлик гуруҳи ташаббуси билан бирон-бир масала киритилмаган. Бошқа доимий комиссиялар мисолида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Нима, социал-демократик партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан боғлиқ бирон-бир муаммо йўқми, шаҳарда? Берган «қоп-қоп» ваъдаларини бажаришни ҳаёт ҳаёлига ҳам келтирмаётган «Адолат» партияси депутатлари замон ўзгариб бораётганини, қуруқ гап билан иш битмаслигини нахот тушунмаётган бўлса?

Бир томондан, уларни айблаш ноўриндек туюлади. Чунки фақат сайлов пайтидагина сиёсий партия экани эсига тушадиган партиядан нимани ҳам кутиш мумкин?

Мақолада Сергели туманидаги «Кипчоқ», Утча туманидаги «Бекобод», Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номи, Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзларининг айрим ваколатларидан умуман фойдаланмагани таъкидланди. Бу маҳаллалар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 1-Ойбек, 24-Мирзо Фозил, 29-Қипчоқ ва 51-Хиёбонтена сайлов округлари ҳудудида қиради. Уларнинг биридан ЎзЛиДеП, иккитасидан эса айнан «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган. Хўш, «ўнглрлар билан «сўл»лар унутган бўлса, нега «Адолат» маҳалла билан ишламаяпти?

Назаримизда «адолатчилар» ХДП ҳақида нимадир демоқчи бўлишгану бунга қурби етмай ҳаёлига келганини гапирмаган. ХДП фаолиятини чуқурроқ ўрганиб, мантиқ билан фикр юритишганда айтадиган асосли гаплар топиларди, албатта. Аммо амалий баҳс-мунозара ўрнига номига «чиқиб» қилиб кўйишни ўйлашган шекилли. Бундай усул эса партияга обрў келтирмайди, қайта унинг оғиз томонларини кўрсатиб қўяди.

Бөхзод ШУКУРОВ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учрашувлар жонли ўтди фикр-мулоҳазаларга бой бўлди

■ Мулоқотларда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция»сининг мазмун-моҳияти ҳақида, Президентимизнинг Конституция байрамида билдирган фикрлари, хусусан, келгуси йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да амалга оширилмаган ислохотларнинг жамият тараққиёти учун қимматлиги ҳақида сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Саттор Раҳматовнинг учрашувлари Чирокчи туман ҳокимлигининг мажлис залда бошланди. Саттор Раҳматов қабул қилинган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида атрофлича маълумот берди. У ЎзХДП фракциясининг фаолиятига алоҳида тўхталди.

Депутат узоқ тоғолди қишлоқларида ҳам аҳоли билан учрашди, унда Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарининг ўринбосари Бердирбек Алмановнинг туманда янги иш ўринлари яратилиши оид ҳисоботи тингланди. Маълумотга кўра, шу йилнинг ўтган даврида туманда 8 мингга яқин иш ўрни очилган. Шундан қарийб 3,5 мингтаси уй меҳнати асосида ташкил қилинган. 2011 йилда эса туманда 9 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Шундан 4,5 мингга яқини касаначилик асосида яратилди. Табиийки, бу натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Депутат туманда касаначиликни ривожлантиришнинг ўзига хос имкониятлари ҳақида фаоллар билан фикр алмашди.

Юнус УЗОҚОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Улуғбек Зокиров Шўрчи ва Олтинсой туманларида аҳоли вакиллари билан учрашди. Мазкур тадбирларда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалалар бўйича фикр алмашилди, жамоатчилик вакиллари ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди.

Бу икки туманда 5 та касб-ҳунар коллеж бўлиб, ўтган ўзв йилида уларни 1 минг 537 нафар йигит-қиз битирди. Уларнинг 1 минг 365 нафари иш билан таъминланди. Аммо бандлик бўйича ҳисоботларни олиб боришда қатор қамчилик ва қўббўлма-чиликлар мавжуд, дейилди учрашувда. Бундан ташқари, ишли ёшларнинг аксарияти билан меҳнат шартнома си тузилмаган, иш бериувчилар масъулиятсизлик қилмоқда, бу ҳақда ҳам танқидий фикрлар билдирилди.

Туманларда касаначиликни ривожлантиришга етарлича эътибор бе-

рилмаётгани ҳақида аҳоли вакиллари фикрларини ўртага ташлади. — Кейинги йилларда тоғ қишлоқлари ҳам тубдан ўзгарди, — дейди Олтинсой туманининг «Чинор» маҳалласида истиқомат қилувчи Нусрат Мелиев. — Аҳолини қийнаётган муаммолар аста-секин ўз ечимини топаётти. Президентимиз илгари сурган Концепциянинг мазмун-моҳияти ҳақида депутатимиз билан чуқур фикрлашдик. Қўйилган вазифалар амалга ошиши ҳаётимизни янада фаровон этишга хизмат қилади, албатта.

Ўзун тумани ҳокимлиги, туман тиббиёт бирлаشمаси ҳамда қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган мулоқотлар жараёнида юқоридаги каби масалалар юзасидан эркин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Учрашувларда, айниқса, ёшлар фаол иштирок этди.

— Биз илгари Концепцияни мукамал ўрганишимиз керак, — дейди қишлоқ қўрилиш ва атрофда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унда иш-тироқимиз ҳақида фикр юритди. — Бу — келгусида жамият бошқарувида фаол иштирок этишимизнинг муҳим асоси бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Кўшқўр туман «Шихобод» маҳалласида Қонунчилик палатаси депутаты Хайрулла Рўзимов аҳоли вакиллари билан учрашди.

Депутат жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва амалий қиймати ҳақида атрофлича тушуна берди. Мамлакатимиз ва атрофда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унда иш-тироқимиз ҳақида фикр юритди. Йиғилганлар депутат қонун ижодкорлиги фаолиятида эътибор қаратиши зарур бўлган айрим масалаларни ўртага ташлади.

— Қишлоқларимизда никоҳ тўйлари кўпайгани қувонарли ҳолат, — деди Ўринбой Машарипов. — Лекин келин-кўв қонуний рўйхатдан ўтиши учун туман марказига — ФХДБ бўлими бориши керак. Йўл олиш, бунчиликлар мавжуд, дейилди учрашувда. Бундан ташқари, ишли ёшларнинг аксарияти билан меҳнат шартнома си тузилмаган, иш бериувчилар масъулиятсизлик қилмоқда, бу ҳақда ҳам танқидий фикрлар билдирилди.

Туманларда касаначиликни ривожлантиришга етарлича эътибор бе-



ташкилотлар раҳбарлари ўз вазифасига совуққонлик билан қараётгани, аризаларга қонунда белгиланган муддатда жавоб қайтармаслик ҳоллари содир бўлаётгани ҳақида танқидий фикр билдиришди. Шу сабабли «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқиш тақлифи илгари сурилди.

Хайрулла Рўзимов, шунингдек, Шовот туманидаги «Монок», «Чўкли» қишлоқлари ҳам аҳоли вакиллари билан учрашди. Уларда депутат ва аҳоли ўртасида самимий суҳбатлар бўлиб ўтди.

Депутат Шовот шаҳарчаси ҳамда «Чўкли» қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар мурожаатларини қабул қилди.

Рўзимбой ҲАСАН

Қонунчилик палатаси депутаты Дилбар Холиқова халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги партияси депутатлик гуруҳи аъзолари билан доимий ҳамкорликда ишлабди. Жамоатчилик мулоқотларига тушаётган ҳар бир мурожаатга эътиборли бўлади. Муҳими, аҳолини қийнаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топишга интилади.

Депутат аҳоли вакиллари билан учрашувларини Бандлик дастурининг жойлардаги ижросини ўрганиш, хусусан, яратилган янги иш ўринлари таҳлилдани бошлади. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратди. Бунда жамоатчилик назоратини куचाйтириш юзасидан ўз тақрибасини ўрточлашти.

Чортоқ туманидаги Бешкапа, Чигатой, Дўстлик, Зафар Дибёр номи маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Уйчи туманидаги қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган учрашувларда ҳам маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга, бу масалага алоҳида эътибор берди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров Тўрақўрган туманида қатор учрашувлар ўтказди. Уларда Президентимиз илгари сурган Концепция, унда белгиланган олти йўналишдаги қонунчилик ташаббусларига ҳаётий зарурат сезилаётгани ҳақида аҳоли вакиллари ҳам ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Мулоқотлар давомида иштирокчиларни ижтимоий соҳага оид турли саволлар қизиқтирди. Депутат уларга аниқ мисоллар орқали жавоб қайтарди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ



